



АКТУАР МОЛИЯ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

Vol. 4 Issue 01 | pp. 296-302 | ISSN: 2181-1865
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ИННОВАЦИОН БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРИ



Саримсақов Дониёр Хомидович
Андижон машинасозлик институти
Иқтисодиёт факультети
декани, и.ф.ф.д. (PhD)

Аннотация: Мақолада саноат корхоналарида инновацион бошқарув самарадорлигини ошириш, иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи ҳамда бошқаруви самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларини таъсири кўрсатиб ўтилган. Шунингдек корхонанинг инновацион фаолиятини бошқариш самарадорлиги унинг рақобатбардошлиги кўрсаткичини яхшиланишига қандай дастаклар орқали таъсир этилиши ёритилган ҳамда саноат корхонасида самарали инновацион бошқарувни ташкил этишдаги босқичлари аҳамияти ва зарурлиги ҳақидаги маълумотлар батафсил келтирилган.

Калит сўзлар: инновацион бошқарув, модернизация, диверсификация, стартап, иерархик, коммерциализация кўрсаткичлари, юқори қўшилган қиймат, экспорт.

ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ УПРАВЛЕНИЯ ИННОВАЦИЯМИ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Саримсақов Дониёр Хомидович
Андижанский институт машиностроения

Аннотация: В данной статье освещается влияние внутренних и внешних факторов, повышающих эффективность управления инновациями на промышленных предприятиях, стимулирующих экономический рост и влияющих на эффективность управления. Также подробно представлена информация о важности и необходимости этапов в организации эффективного управления инновациями на промышленном предприятии, о том, как на эффективность управления инновационной деятельностью предприятия влияет поддержка повышения показателя его конкурентоспособности.

Ключевые слова: инновационный менеджмент, модернизация, диверсификация, стартап, иерархия, показатели коммерциализации, высокая добавленная стоимость, экспорт.

FACTORS AFFECTING THE IMPROVEMENT OF THE EFFICIENCY OF INNOVATION MANAGEMENT IN THE ACTIVITIES OF INDUSTRIAL ENTERPRISES

Sarimsaqov Doniyor Xomidovich
Andijan Institute of Mechanical Engineering

Abstract: This article highlights the influence of internal and external factors that increase the efficiency of innovation management at industrial enterprises, stimulate economic growth and affect the efficiency of management. Information is also provided in detail about the importance and necessity of stages in the organization of effective innovation management at an industrial enterprise, about how the effectiveness of innovation management of an enterprise is affected by support for increasing its competitiveness indicator.

Keywords: innovation management, modernization, diversification, startup, hierarchy, commercialization indicators, high added value, export.

Кирриш. Сўнги йилларда Ўзбекистонда инновацион лойиҳаларни амалга оширишни рағбатлантириш, йирик ишлаб чиқариш корхоналари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш, стартап инновацион бизнес лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларга устуворлик қаратилиб келинмоқда. Жумладан, корхоналарда инновацион бошқарув самарадорлигини ошириш иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи омил сифатида баҳоланиб, янги иш ўринларини яратиш ва миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашнинг муҳим шарти сифатида баҳоланмоқда. Шунингдек, тобора ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг миллий ва халқаро даражадаги рақобатбардошлиги кўрсаткичларини яхшилашда улар иқтисодий фаолиятининг инновацион йўналишда амалга оширилиши талаб этилади.

Хусусан, янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегиясининг 22-мақсадида қуйидагича “...миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш”¹ вазифа белгиланган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ўзбекистонлик Ш.Н.Зайнутдинов, А.А.Мадалиев, Д.Шодиева, Н.М.Расулов, Ш.Г.Акрамова, А.Э.Норов, Б.А.Мавланов, И.С.Хотамов, Ш.Э.Мустафакулов, Г.П.Ғуломова каби олимларнинг илмий изланишларида мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш, жумладан, саноат корхоналарининг инновацион фаолиятини бошқаришда инсон омилининг ролини ошириш, корхонанинг инновацион фаолиятини янада

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. 28.01.2022 й. [ПФ-60-сон 28.01.2022. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида \(lex.uz\)](https://lex.uz)

ривожлантиришда юқори малакали кадрларнинг тутган ўрни баҳоланган. Шу билан биргаликда мамлакатимиз миллий иқтисодиёти тармоқларида хўжалик фаолияти юритаётган саноат корхоналарининг инновацион бошқаруви механизмини такомиллаштиришга бағишланган назарий-амалий масалалар комплекс тарзда, тизимли, махсус тадқиқот объекти сифатида таҳлил этилмаган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гуруҳлаш, усуллари қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимиз Президенти томонидан юқорида белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга оширилишида аввало саноат корхоналарининг инновацион бошқарув самарадорлигини ошириш зарурияти вужудга келади.

Саноат корхоналарида инновацион бошқарув тизимини жорий этиш ва унинг самарадорлигини ошириш пировард натижада корхонанинг рақобатбардошлиги даражасининг барқарор суръатларда ортиб боришини таъминлайди. Саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини ошириш корхонада инновацияларни амалиётга татбиқ этиш маҳсулдорлигини ортишини таъминлаши билан бир қаторда, корхонанинг миллий ва халқаро даражадаги рақобатбардошлиги даражасини ҳам такомиллаштиришга эришишга етарли даражадаги шарт-шароитларни яратиши керак бўлади.

ТАШҚИ ОМИЛЛАР



1-расм. Саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатувчи омилларнинг гуруҳланиши².

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш, ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат курашининг тобора чуқурлашуви, жумладан иқтисодий муносабатлар тизимида инновацияларнинг жадал ривожланиши шароитида саноат

² Муаллиф томонидан тузилган

корхонасининг инновацион бошқарув самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларни замонавий шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда 1-расмда келтирилган тартибда гуруҳлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Таклиф этилаётган саноат корхонасининг инновацион бошқаруви самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг гуруҳланиш тартиби бевосита корхонада инновацион фаолият самарадорлигини ошириш ва унинг рақобатбардошлиги даражасини янада такомиллаштириш нуқтаи назаридан амалга оширилган.

Корхонанинг инновацион бошқаруви самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ички омиллар қуйидагилардан ташкил топади:

- тадбиркорлик қобилияти (корпоратив бошқарув самарадорлиги);
- корхона персонали;
- коммуникация самарадорлиги;
- корхонанинг ташкилий тузилиши;
- инновацион фаолиятнинг бозорга йўналтирилганлиги;
- инновациялар учун ресурсларнинг етарлилик даражаси;

Саноат корхоналарининг инновацион бошқаруви самарадорлигига таъсир этувчи омилларни кейинги гуруҳи бу ташқи омиллар ҳисобланиб, улар қаторига қуйидагиларни киритиб ўтдик:

- маслаҳат ва консалтинг хизматлари;
- молиявий ёрдам;
- инновацион фаолиятни рағбатлантириш;
- қонунчилик хусусиятлари назарда тутилади.

Инновацияларни ўз амалиётига татбиқ этиш кўлами корхонанинг инновацион салоҳияти билан узвий боғлиқ бўлиб, бунда уларнинг инновацияларни ишлаб чиқиш ҳажми, янгиликларни ўзлаштиришга бўлган интилиши инобатга олинади.³

³ Арутюнов Ю.А. , Гончаренко Л.П. Инновационная политика – <https://www.litres.ru>



2-расм. Корхона инновацион фаолиятини бошқаришнинг рақобатбардошлик даражасининг ортишига таъсири⁴.

Корхонанинг инновацион бошқаруви самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларнинг бу турдаги гуруҳланиши узоқ муддатли истиқболда корхонанинг миллий ва халқаро даражадаги рақобатбардошлиги кўрсаткичини такомиллаштиришга ҳамда унинг инновацион салоҳиятига таъсир кўрсатувчи омилларни ҳам қамраб олган ҳисобланади. Корхонанинг инновацион фаолиятини бошқариш самарадорлиги унинг рақобатбардошлиги кўрсаткичини яхшиланишига қандай дастаклар орқали таъсир этиши мумкинлиги 2-расмда келтириб ўтилган. Шунингдек, корхонанинг инновацион бошқаруви самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар корхона инновацион салоҳиятини ошириб боришига замин яратади.

Саноат корхоналарида инновацион бошқарув самарадорлигини оширишда корхонанинг инновацион салоҳиятидан келиб чиқиб мақсад ва вазифаларни белгилаш зарурияти мавжуд деб айтиш мақсадга мувофиқ. Изланишлар натижасида, саноат корхонасида самарали инновацион бошқарувни ташкил этиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

⁴ Муаллиф томонидан тузилган

- биринчи, инновацион бошқарув мақсади ва вазифаларини аниқлаш;
- иккинчи, корхонанинг инновацион имкониятларини баҳолаш;⁵
- учинчи, корхонанинг инновацион фаолияти йўналишини аниқлаш.

Агарда корхона инновацияларни ишлаб чиқарувчи бўлиш йўлини танласа, у ҳолда, инновацион ишланмалар ишлаб чиқиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш, янги технологияларни яратиш билан шуғулланувчи махсус ходимлардан ташкил топган ўз ишчи гуруҳини шакллантириши ва уларга меҳнат қилиш учун қулай шарт-шароит билан таъминлаши лозим бўлади. Корхона инновацион жараёнларда ўзлаштирувчи сифатида иштирок этишни танласа, у ҳолда, илмий-тадқиқот ташкилотлари билан шартномалар тузиш орқали, амалга оширилаётган ёки ишлаб чиқилаётган янги инновацион маҳсулот ва технологияларни ўз амалиётида қўллаш учун розилик билдириши зарур бўлади.

Хулоса ва таклифлар.

Юқорида билдирилган фикр ва таклифларни инобатга олиб қуйидагилар аниқланди:

саноат корхоналарида инновацион бошқарувни ташкил этиш ҳамда узоқ муддатли истиқболда юқори самарадорликка эришишни таъминлаш;

жаҳон бозорида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлиги кўрсаткичларини янада яхшиланиши учун тегишли шарт-шароитларни яратиш;

маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг янги бозорларни ўзлаштириши ҳисобига, юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажмини ортиши.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. 28.01.2022 й. [ПФ-60-сон 28.01.2022. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида \(lex.uz\)](#)
2. Арутюнов Ю.А., Гончаренко Л.П. Инновационная политика – <https://www.litres.ru>
3. Королев В.И., Королева Е.Н. Инновационный потенциал: содержание, организационные формы его реализации российскими и зарубежными компаниями // Российский внешнеэкономический вестник. 2014. №5. С.41
4. Зайнуддинов Ш.Н., Расулов Н.М. Инновацион менеджмент (дарслик).- Т.:“Инновацион ривожланиш нашриёт-матба уйи”, 2020. -Б.540.;
5. Мамадалиев А.А. Иқтисодий бошқаришда инсон омилини фаоллаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмидан фойдаланишни такомиллаштириш. (PhD) дисс. автореф. -Т.: 2017. –Б.28;
6. Шодиева Д. Миллий иқтисодийнинг инновацион ривожланишини инвестициялашнинг назарий асосларини такомиллаштириш. (PhD) дисс. автореф. - Т.:2020 Б.58;

⁵ Королев В.И., Королева Е.Н. Инновационный потенциал: содержание, организационные формы его реализации российскими и зарубежными компаниями // Российский внешнеэкономический вестник. 2014. №5. С.41

7. Расулов Н.М. Корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш услубиётини такомиллаштириш: (DSc) дисс. автореф. –Т., 2021, -Б.81;
8. Акрамова Ш.Г. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капитали-нинг ривожланиши. Монография. -Т.: Iqtisod-Moliya, 2014. -180;
9. Норов А.Э. Инновацион фаолият ва унинг натижаларини тижоратлаштиришнинг назарий ва услубий асослари “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Илмий электрон журналі. № 1, 2020 yil.;
10. Мавланов Ботир Абдулхофизович Иқтисодиётни технологик инновациялар асосида модернизация қилишнинг долзарб масалалари//Экономика и финансы (Узбекистан). 2016. №4.);
11. Хотамов И. С., Мустафакулов Ш. Э., Исаков.М., & Абдувалиева. (2019). Корхона иқтисодиёти ва инновацияларни бошқариш. Архив научных исследований, 1(1).;
12. Фуломова Г.П. Инновацион фаолият инфратузилмасини шакллантириш ишлаб чиқаришни модернизациялаш омили сифатида // Экономика и финансы (Узбекистан). 2016. №7. (дата обращения: 03.07.2021).
13. Эрназаров О.Э. Инновациялар асосида саноат корхоналари самарадорлигини ошириш // Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2020. 60 б.;
14. Ногин В.А., Хоменко Я.В. Зарубежный опыт инновационной деятельности малых и средних предприятий. – <https://www.uecs.ru>
15. Васюхин О.В., Павлова Е.А. Развитие инновационного потенциала промышленного предприятия – <https://www.mongraphies.ru>
16. Инновационный потенциал предприятия, его оценка и методы реализации – <https://www.np.tubryansk.ru>
17. Free Small Business Advice – <https://www.sore.org>

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

